



ЖАРАЁН:
Бегоналик
феномени...

БУГУННИНГ ГАПИ:
Илдиз
отган
иллатлар



МУНОСАБАТ:
Инновацион
ривожланиш вазири
қанча «гонорар»
олади?



ХАЛҚ БОЙ БЎЛСА, ДАВЛАТ ҲАМ БОЙ ВА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ



Иқтисодий Газета

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТА

НАМАНАНГАН



500 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Суд қарорлари асосида 775 фуқаро ишга тикланди

Фуқаролик ишлари бўйича судларда 2019 йилда кўриб чиқилган 188 минг 282 ишдан 4 минг 233 таси меҳнат низоларига оид бўлган.

Ишга тиклашни сўраб 1 минг 964, иш ҳақини ундиришни сўраб 1 минг 279 киши судга мурожаат қилган. Шундан 775 фуқаро суд қарори асосида ишга тикланган. 873 ходимнинг иш ҳақи ундириб берилган. Бу рақамлар хануз иш берувчилар томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилаётганлигини кўрсатади. Бунга кўп ҳолларда айрим ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарларининг амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларини билмаслиги сабаб бўлмоқда.

Давоми 3-бетда

Талаб қан

3 фоиз қониқарсиз дегани

Давлат статистика кўмитаси маълумотига кўра, 2020 йил 1 январь ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган жами корхона ва ташкилотлар сони 398,1 мингтани ташкил этди.

Хизматлар соҳасида 262 мингта корхона ва ташкилот фаолият кўрсатмоқда. 2018 йилнинг шу даврига нисбатан улар сони 23 фоизга ошган. 1 январь ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар улуши 65,8 фоиздан иборат бўлган.

Хизматлар соҳасида фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотлар таркибида савдо билан шуғулланувчилар эса энг (38,6 фоиз) юқори улушни эгаллаган.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизмат кўрсатувчилар улуши эса 9,8 фоизни ташкил этди.

Шу ўринда саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар улуши — 17,7 фоиз, қурилиш — 9,1 фоизга ортиши ва атиги 7,4 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келганини айтиш керак.

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг улуши 5,9 фоизга етди.

Ахборот ва алоқа фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг жами хизматлар соҳасида фаолият

кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибидаги улуши 3 фоизга тенг.

Соғлиқни сақлаш, шунингдек, ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши ҳам 3 фоизни ташкил этди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганда хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар сони 48,9 мингтага кўпайганини кўриш мумкин.

Кузатилаётган даврнинг ўтган йилига нисбатан савдо фаолияти соҳасида юқори ўсиш — 42,6 фоиз даражасида кузатилди. Ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 30,2 мингтага кўпайиб, 101,1 мингтага етди. Шунингдек, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар билан боғлиқ фаолиятда ҳам ўсиш кузатилди — 29,4 фоиз. Ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 5,8 мингтага кўпайиб, 25,6 мингтага етган.

Хизматлар соҳасида янги ташкил этилган ташкилотлар сони эса ўтган йилга нисбатан 29,2 мингтага кўпайди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ